2011 ЙИЛ 20 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 14 (11.825)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан 18-19 январь кунлари Тошкент ва Бухоро вилоятларида «Кичик ва оилавий бизнесни ҳамда инновацияларни рағбатлантириш йўллари» мавзуида ташкил этилган семинарларда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий бизнесни ҳамда илғор ғоя ва таклифларга асосланган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш йўллари муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон банклари ассоциациясида 2010 йил якунлари бўйича аҳоли омонатларини жалб қилиш юзасидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари ўртасида ўтказиладиган анъанавий танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда 31 та тижорат банки, 810 та филиал, 4 мингга яқин мини-банк ва махсус кассалар иштирок этди.

● Тошкентда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини иқлим ўзгаришига мослаштириш» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Республика Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

● Наманган шаҳрида кийим-кечак тайёрлашга ихтисослаштирилган «Зиё савдо дизайн» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. 24 киши меҳнат қилаётган корхонада сўнгги бир ой давомида 80 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи костюм-шимлар тайёрланди.

● «Алоқабанк»нинг Самарқанд вилоят бўлими кўмагида Самарқандда яна нафис чиннилар ишлаб чиқариш имкони яратилди. «Асл нафис» номини олган корхона Франциянинг дунёга таниқли «CERINNOV» компанияси технологиялари билан жиҳозланди. Қайта жиҳозлаш учун французлар билан 3 миллион 300 минг евро миқдорида шартнома имзоланди.

● Қўрғонтепа туманининг Дардоқ қишлоғида бўш турган бино мукаммал таъмирдан чиқарилиб, «Ёшлар маркази»га айлантирилди. Ҳозирда ушбу масканда компьютер саводхонлиги, пазандалик ҳамда тикувчиликка йўналтирилган махсус ўқув курслари, спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

### ЖАҲОНДА

● Дастлабки маълумотларга кўра, референдумда Жанубий Судан аҳолисининг 97,5 фоизи мустақиллик учун овоз берган.

● Хитой ва АҚШ ядро хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги марказни ташкил этиш юзасидан ўзаро келишиб олди.

● Тунис маъмурлари ағдарилган собиқ президент Зин ал-Обидин бен Алининг 33 нафар қариндошларини ҳибсга олдилар. Шунингдек, мамлакатдаги барча сиёсий маҳбуслар озод этилди. Ҳозирда Тунисда комендант соати амал қилмоқда.

● Бугун Бойқўнғир космодромидан Россиянинг «Зенит» ракетаси метеорологик йўлдош билан коинотга парвоз қилади.

● Кеча Таиландда жангариларнинг ҳарбий лагерга ҳужум уюштиришлари натижасида 6 нафар ҳарбий ҳалок бўлди, 5 нафари жароҳатланди.

● Бразилияда кучли сув тошқинлари қурбонлари сони 765 кишига етди, 200 дан ортиқ одам бедарак йўқолган.

● Покистоннинг Пешовар шаҳрида жойлашган мактаб яқинида қўпорувчилар томонидан бомба портлатилиши туфайли бир киши ҳалок бўлди, 14 нафар одам оғир жароҳатланди. Жабр кўрганлар орасида мактаб ўқувчилари ҳам бор. Бу ўтган 19 кун ичида мамлакатнинг шимоли-ғарбида содир этилган бешинчи қўпорувчилик ҳаракатидир.

● Германия пойтахти Берлин шаҳридаги заргарлик дўкони тунаб кетилди. Савдо мажмуасига ниқоб таққан қуролланган уч нафар шахс бостириб кириб, бу ердан қиймати 1 миллион еврога тенг заргарлик буюмларини олиб жуфтакни ростлаган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли жиноятчилардан икки нафари қўлга олинди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим эгаллаши, келгусида етук мутахассис бўлиб камолга етиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги барчамизни қувонтиради. Зеро ёшлар — юрт истиқболидир. Бугунги кунда ўғил-қизларимиз замонавий ўқув масканларида, яъни замон талаблари даражасидаги академик лицей, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олиб, чуқур билим олишмоқда, ҳунар эгаллашмоқда.**



### Таълим масканларида

## КОМИЛЛИККА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ҳам ушбу соҳада етук мутахассис бўлиб етишишга аҳд қилган ёшларга пухта билим берадиган нуфузли таълим масканларидан саналади. Лицей 2007 йилдан ҳар томонлама шарт-шароитларга эга бўлган янги, замонавий ўқув биносида фаолият юритиб келяпти. Бугунги кунда лицейда 554 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

— Академик лицей табиий йўналишга ихтисослашган бўлиб, биология, кимё фанлари чуқурлаштириб ўқитилади ва ўз навбатида ўқувчиларни тиббиёт олий ўқув юртларига, биология ва кимё факультетлари мавжуд институт ва университетларга тайёрлайди, — дейди ўқув маскани директори Анвар Шермуротов. — Лицейда ўқув тарбиявий, илмий ишлар ва маънавий-маърифий тадбирлар Тошкент Тиббиёт академияси билан узвий ҳамкорликда олиб борилади.Шунингдек, лицей Ўзбекистон Миллий университетининг химия-биология факультети билан ҳамкорлик қилади. Факультет айниқса, иқтидорли ўқувчиларни шаҳар, республика, жаҳон олимпиадаларига тайёрлаш ишларида катта ёрдам беради. Ана шундай ҳамкорлик натижасида академик лицей ўқувчиларидан Эдуард Раҳмонқулов, Нуриддин Шомақсудовлар 42, 43-Халқаро кимё олимпиадаси совриндори бўлишди. Шероза Ғуломова, Муҳиддин Зиёвуддинов эса олимпиаданинг шаҳар ва республика босқичида фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Лицейда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, замонавий техника билан жиҳозланган мавзувий ўқув ва ўқув-лаборатория хоналари, 2 та компьютер хонаси, ахборот-ресурс маркази, 314 ўринли замонавий тадбирлар зали доимо ўқувчилар билан гавжум.

Лицейда турли хил танловлар, фестиваллар, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилаётган спорт мусобақаларида қатнашиб, ютуқларга эришиб келаётган иқтидорли ўқувчилар сафи йил сайин ортиб бормоқда. Чунончи, Мирсобит Миралимов республика «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкил этилган шахмат бўйича спорт мусобақасининг шаҳар босқичида биринчи ўринни қўлга киритиб, турнирнинг республика босқичида бешинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Яна бир ўқувчи — Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, синхрон сузиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Шоҳида Зоҳидова ушбу спорт тури бўйича Осиё чемпионати ва Малайзия очиқ чемпионатида миллий терма жамоа таркибида иштирок этиб, 1 та олтин, 2 та кумуш медални қўлга киритди. Шу билан бирга, баркамол авлодни камол топтириш, юксак маънавиятли, зукко ёшларни тарбиялаб, воярга етказиш бўйича турли хил танловларда ҳам лицей ўқувчилари фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Мадина Мирзаилёсова «Зулфияхоним қизлари» танловининг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритган. Нилуфар Маткаримова эса «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади. Лицей ўқувчилари «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти Маънавият маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказиладиган қатор тадбирларда ҳам қатнашиб келмоқда.

Маълумки, ўз мақсади сари интилувчан, изланувчан ёшлар келажак истиқболини белгилайди, камолот пиллапоялари сари дадил қадам ташлаб, орзуларига эришади. Зеро «Интилганга толе ёр» деб бежиз айтилмайди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей фаолиятидан лавҳа**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Париждаги бош ваколатхонаси ҳамда «ASIA Voyages» туризм агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг кенг тарғиботига бағишланган анжуман ташкил этилди.**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИ ФРАНЦИЯЛИК САЙЁҲЛАР НИГОҲИДА

Унда иштирокчиларга жорий йил баҳор-ёз мавсумида Ўзбекистонга 300 га яқин франциялик сайёҳларни юбориш кўзда тутилган махсус дастур ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини францияликларга намойиш этиш жараёнида жаҳоннинг энг йирик компанияларидан бири – Европада биринчи, дунё миқёсида («Wal-Mart» компаниясидан кейин) иккинчи ўринда турадиган чакана савдо ташкилоти – Франциянинг «Carrefour» компанияси бевосита иштирок этди. Франция бўйлаб 4 мингдан зиёд дўконларга эга ушбу тармоқ компанияси турли реклама ахборотларини тарқатиш бўйича улкан имкониятга эгалиги, айниқса эътиборлидир. Хусусан, «Carrefour Voyages» махсус агентлиги кўмагида компаниянинг барча гипер, супер ва минимаркетларида Ўзбекистоннинг исталган сайёҳлик йўналиши бўйича йўлланма олиш мумкин. Шу билан бирга компания ваколатхоналари кириш залида осиб қўйилган «Шарқ дурдонаси – Ўзбекистонга хуш келибсиз! Тошкент-Хива-Бухоро-Самарқанд – Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳатга марҳамат!» дея битилган реклама баннерлари ҳам юртимизга франциялик сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Шунингдек, «Carrefour» каталогининг 100 минг нусхага эга бўлган Янги йил сони тўла-тўкис Ўзбекистоннинг туризм имкониятларига бағишланган. Каталогда мамлакатимизга уюштирилаётган сафар хусусида батафсил маълумотлар берилган.

Франциялик мутахассисларнинг қайд этишларича, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига саёҳат ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари билан Париж-Тошкент-Париж йўналиши бўйлаб авиақатновнинг умумий қиймати бошқа сайёҳлик йўналишларига нисбатан анча арзонлиги ва қулайлиги билан рақобатбардош саналади.

Франциянинг **«ASIA Voyages» компанияси менежери Паскалин Фуро**нинг таъкидлашига кўра, «Сўнгги йилларда Ўзбекистон сайёҳлик инфратузилмасида туб ўзгаришлар юз берди. Туризмнинг янги йўналиш ва турлари шаклланди, қадимий обидалар қайта тикланиши билан бир қаторда замонавий иморатлар, меҳмонхоналар барпо этилмоқда, янги магистрал йўллар фойдаланишга топширилаётир. Ушбу заминда мавжуд бутун дунёга машҳур тўрт мингдан зиёд қадимий меъморчилик ёдгорликлари – сарой ва қалъалар, мадрасаю масжидлар, мақбараю миноралар, замонавий меъморчилик дурдоналари жаҳоннинг барча қитъаларидан сайёҳларни тобора кўпроқ жалб этаётгани бежиз эмас».

Бугунги Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг асосий чорраҳасида жойлашганлиги, П. Фуронинг эътирофича, рамзий маънога эга. Бунинг ҳаётий тасдиғини замонавий ўзбек сайёҳлик салоҳиятини ривожлантиришнинг ҳозирги жараёни француз тилидан «чорраҳа» деб таржима қилинувчи машҳур бренд – «Carrefour» компанияси билан ҳамкорликда олиб борилаётганида кўриш мумкин.

Янги йилнинг дастлабки кунларидан эътиборан Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб ўтказила бошланган савдо ярмаркаси айни пайтгача Франциянинг барча минтақаларини қамраб олди, — дейди **«ASIA Voyages» компаниясининг яна бир менежери Яник Барде.** – «Carrefour»нинг Ўзбекистонга барча сайёҳлик йўлланмалари жорий ойнинг дастлабки ўн кунлигидаёқ деярли сотиб бўлинган ва компания ўзбекистонлик ҳамкорлари билан келишган ҳолда, сайёҳлик ўринлари сонини кўпайтириш ҳамда шу тарзда дастурни давом эттиришни режалаштирмоқда".

Я. Барденинг таъкидлашича, барчанинг эътиборини тортадиган бой тарихий маданияти ва замонавий инфратузилмаси мавжуд, халқи эса меҳмондўст ва очиқкўнгил Ўзбекистон Франция сайёҳлик салоҳиятининг Осиё йўналишида пешқадамликни эгаллаши учун барча имкониятларга эгадир.

**«Жаҳон» АА**

## «УСТОЗ-ШОГИРД» МАКТАБИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида «Устоз-шогирд» мактабининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-услубий семинар ўтказилди. Унда умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқитувчилари иштирок этди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, малакали ўқитувчиларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни таълим тизимига изчил татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида ҳар жиҳатдан соғлом ва етук ёшларимиз сафи кенгаймоқда. «Устоз-шогирд» мактаби» лойиҳаси ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга ошириб келинаётган мазкур лойиҳада салкам тўрт мингга яқин ўқитувчи иштирок этиб, ўз касб маҳоратини юксалтирди.

– Мактабимизда 465 нафар ўқувчи билим олади, – дейди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Жаҳонгир Тоҳиров. – Ўттиз олти нафар ўқитувчининг аксарияти «Устоз-шогирд» мактаби» лойиҳаси асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса дарсларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишига хизмат қилаётир.

Семинарда ёш ўқитувчиларга тажрибали педагогларнинг иш тажрибасини ўргатиш, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига изчил татбиқ этиш, ўқувчилар фанларни яхши ўзлаштириши учун электрон дарсликлар ва мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишга оид маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлигида 2010 йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Болалар кутубхонасида «Китобим-офтобим» республика кўрик-танловининг якуний босқичига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Яккасарой туманидаги 72-мактабда «Юксак маънавият мезонлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан ташкил этилди.

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.**

Фармон ва ижро

# НОТАРИАЛ ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Нотариат институтлари фаолиятининг янада такомиллаштирилиши, иш жараёни замонавий талаб ва мезонлар асосида йўлга қўйилаётгани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор ЁҚУБОВА билан ЎзА мухбирининг суҳбати шулар хусусида бўлди.**

– Президентимиз Ислом Каримовнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бугун юртимизда нотариат институтининг замон талаблари даражасида фаолият юритиши таъминланмоқда, – деди Д.Ёқубова. – Бу эса жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишда нотариуслар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Президентимизнинг номи қайд этилган фармони ва унинг ижроси юзасидан 2010 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор асосида юртимизда нотариат институтининг инфратузилмаси шакллантирилди. Давлат нотариал идораларининг моддий-техник базаси қайта кўриб чиқилди, нотариал ҳаракатлар махфийлигини таъминлаш, фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун зарур қулайликлар яратилди.

Аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида расмийлаштирилаётган нотариал ҳаракатлар юзасидан ундириладиган тўловларни қабул қилиш учун бевосита давлат нотариал идоралари биноларида кассалар ташкил этилмоқда. Улар ҳисоб-китоб терминаллари ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг нотариал идораларга бўлган эҳтиёжи инобатга олиниб, қўшимча 220 давлат нотариал идораси ташкил этилди. Уларга чуқур билим ва касб малакасига эга юристлар танлов асосида қабул қилинмоқда. Бугун мамлакатимиз бўйича жами 540 давлат нотариал идорасида 700 нафардан ортиқ давлат нотариуси аҳолига хизмат кўрсатаётир.

**– Хусусий нотариуслар тугатилиши муносабати билан уларнинг архивлари тақдири қандай ҳал этилади?**

– Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида нотариал архивлар ташкил этилди. Мазкур архивларда нафақат хусусий нотариуслардаги архив ҳужжатлари, балки давлат нотариал идораларига тегишли архив ҳужжатлари ҳам сақланмоқда. Нотариал архивнинг ҳар бир ҳудудда бундай марказлашган тизими яратилгани юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ва архив ҳужжатлари нусхаларини олишда катта қулайлик яратади.

**– Нотариат институти янада такомиллаштирилиши билан амалдаги қонун ҳужжатларига қандай ўзгаришлар киритилди?**

– 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун нотариат институтида рўй берган туб ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила, Солиқ кодексларига ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Хусусан, «Нотариат тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан мамлакатимизда нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси номидан давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар томонидан амалга оширилиши қатъий белгиланди. Шунингдек, нотариусларга қўйиладиган малака талаблари кучайтирилди, нотариат институтининг тушунчаси кенгайтирилди. Нотариал ҳаракатлар ва улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ҳамда техник характердаги ҳаракатлар амалга оширилишини назарда тутувчи нотариатнинг фаол моделини жорий қилиш мақсадида нотариусларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Қонун асосида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг нотариал ҳаракатларни бажариш соҳасидаги барча функциялари нотариусларга ўтказилди. Бирор-бир аҳоли пунктида нотариус бўлмаган ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш адлия органи томонидан бошқа нотариусларга юклатилади ёки нотариал идора очилади. Чунки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи шахс махсус юридик билимга эга бўлиши лозим.

Қонуннинг эътиборга молик яна бир томони шундаки, тизимда Нотариус қасамёди жорий қилинди. Ҳозир малака имтиҳони ва танловлардан муваффақиятли ўтаётган мутахассислар «Нотариус вазифасини ҳалол ва виждонан бажаришга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан» деган онт билан ўз вазифасига киришмоқда. Бундай аҳд, азму қарорни қабул қилган инсон унга содиқ қолишга интилади. Бу соҳада қонунийлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Қонунда шу каби муҳим жиҳатлар қамраб олиниши билан бир қаторда нотариус манфаатига қаратилган меъёрлар акс эттирилгани улар фаолияти самарадорлигини таъминламоқда. Жумладан, нотариусга нотариал ҳаракатларни бажариш учун зарур маълумот ва ҳужжатларни тақдим этмаганлик, шунингдек, нотариус томонидан касб мажбуриятлари бажарилиши учун тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

**– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрда қабул қилинган «Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори соҳа вакилларига қандай масъулият юклайди?**

– Ушбу низом «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 19-моддасига мувофиқ нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланиши тартибини белгилайди. Бу фуқаролар ҳамда корхона ва ташкилотлар манфаатини муҳофазалашга хизмат қилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарар Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади. Нотариус томонидан қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган ҳолларда давлат томонидан зарар қопланиши талаб қилиниши мумкин. Бу соҳа ходимлари масъулиятини оширишга хизмат қилади. Чунки етказилган зарар хатога йўл қўйган нотариус ҳисобидан ундирилиши тартиби ҳам низомда акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 207-моддасига мувофиқ нотариусдан ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган етказилган зарар суммасини ундириш адлия бошқармаси раҳбарининг етказилган зарарни нотариусдан ундириш тўғрисидаги буйруғига биноан амалга оширилади. Буйруқ адлия бошқармаси томонидан юридик ва жисмоний шахсга зарар қопланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай қабул қилиниши керак. Нотариус билан меҳнат шартномасининг тугатилиши уни зарар ва тегишли харажатларни қоплаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда нотариат институтлари фаолиятини янада такомиллаштиришга, соҳа ходимларининг касб малакаси ва масъулиятини оширишга, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди**



**«Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамиятининг мамлакатимиз барча ҳудудларида тайёрлов филиаллари ташкил этилган бўлиб, тегишли металл чиқиндиларини қайта ишлашда етакчи ҳисобланади.**

**ЎзА олган сурат**

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати ҳамкорлигида «Парламент ривожланишини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси, шунингдек, БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсий масалалар бўйича қўмитаси ҳамкорлигидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Парламенти) фаолиятининг асослари» маълумотномасининг тақдимоти ўтказилди.**

Унда қуйи палата депутатлари ва сенат аъзолари, вазирликлар, мутасадди идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ҳамда мамлакатимизда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мазкур лойиҳаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи ва юқори палаталари ҳамкорлигида самарали қонунчилик тизимини шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат. Парламентаризмни ривожлантириш Тараққиёт дастурини самарали бошқарув бўйича хизматларининг ажралмас қисми бўлиб, уларнинг тадбирлари давлат бошқаруви жараёнида парламент институтларининг вакиллик, қонунчилик ёки назорат вазифаларини такомиллаштиришга қаратилган.

БМТТД томонидан республикамизда самарали қонунчилик тизимини шакллантириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиш, шунингдек эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга йўналтирилган юздан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг жойлардаги, хусусан Тошкент шаҳридаги тузилмаларининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясида» мавзуида йиллик ахборот-ҳисобот матбуот конференцияси бўлиб ўтди.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Айтиш керакки, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг жойлардаги тузилмалари аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва истеъмол маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказишга алоҳида аҳамият қаратдилар, 2010 йил давомида истеъмолчилардан келиб тушган мурожаат ва аризалар тегишли тартибда ўрганилиб, ҳал этилди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш борасида давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда назорат қилувчи идоралар билан ҳамкорликда кенг қамровли ишлар амалга ошириб келиняпти.

Шу ўринда истеъмолчининг ўзи ким деган саволга аниқлик киритиш жоиз. Истеъмолчи — бу фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган шахсий истеъмол ёки шу каби мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи, борингки шу ниятда бўлган киши (жисмоний шахс)дир. Истеъмолчи — қайта сотиш мақсадисиз бирон маҳсулот харид қилувчи бўлиб, истеъмолчи бўлиши учун шахснинг муайян ёшга тўлиши, муомала лаёқати олиши шарт эмас. Шу боис, кишиларнинг истеъмолчилик ҳуқуқи табиий ҳуқуқлар жумласига киради ва шахс туғилгандан бошлаб унга тегишли бўлади. Сиз харид қилиш мақсадини кўзлаб сотувчига товарни кўрсатиш ҳамда унинг хусусиятлари ҳақида маълумот беришини сўраб мурожаат қилишингиз билан истеъмолчи мақомини оласиз...

Истеъмолчилар манфаатлари ҳимояси давлатимиз ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, суд, адвокатура, прокуратура, Олий мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерацияси ва унинг ҳудудий бирлашмаларига истеъмолчи сифатида ҳуқуқингиз бузилган ҳолларда мурожаат қилишингиз мумкин.

Эътиборли томони, ўтган йилдан эътиборан, юқорида қайд қилинган идоралар ОАВда ўзларининг ишонч телефонларини ташкил этганлар. Бунинг самараси яққол кўзга ташланмоқда. Турли воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда тарқатиладиган махсус ахборот, айниқса, ишонч телефонлари истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига жиддий ғов бўлиб хизмат қилаётгани сир эмас.

Федерациянинг Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи Ёрқин Низомовнинг таъкидлашича, масалан, бир истеъмолчи ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида ишни ўрганиш учун дорихонага борилганида (бир неча бор), у ерда давлатимиз томонидан қонун доирасида аҳолига 20 турдаги дори-дармон воситалари белгиланган нархларда сотилишига амал қилинмаётганининг гувоҳи бўлишган. Ачинарлиси, фуқароларимизнинг кўпчилиги бу ҳақда умуман маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди. Пойтахтдан шахсий автомобилида Андижон шаҳрига йўл олган ишбилармон ёнилғи қуйиш шохобчасида тўловни пластик карточкасидаги маблағ билан амалга оширишда муаммо пайдо бўлгани — терминал ишламаётгани ҳақида шикоят билан мурожаат қилди. Мазкур муаммо ҳам федерациянинг шаҳар ҳудудий бирлашмаси аралашуви билан ижобий ҳал бўлди.

Федерация томонидан ўтган йили турли йўналишларда 12033 та мониторинг кузатувлари ташкил этилган. Бунда асосий эътибор аҳолига савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат кўрсатиш ва бошқа кўплаб соҳаларда қонунчиликка риоя этилишининг аҳволи чуқур ўрганилди. Ўрганишлар натижасида шаҳримиз туманларидаги бир қатор уй-жой мулкдорлари ширкатлари, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида»ги қонунлар талабларига риоя этмаслик ҳамда белгиланган нархларни асоссиз равишда ошириш ҳолатлари аниқланган, уларга барҳам бериш мақсадида тегишли тадбирлар амалга оширилган. Ўрганишдан мақсад эса аниқ — иш самарадорлигига эришиш.

Юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ энг муҳими шундаки, истеъмолчи ўз ҳуқуқ ва манфаатларини яхши билса, ҳуқуқи бузилганда, уни тиклаши осон кечади. Шундай ҳолатларда истеъмолчининг ҳеч бир мурожаати эътибордан четда қолмайди.

Савол-жавоблар, очиқ мулоқот тарзида ўтказилган анжуманда соҳада кадрлар тайёрлаш бўйича тегишли тавсиялар берилди, керакли чора-тадбирлар белгиланди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Иқтисодиёт

# ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**Замонавий технологияларни қўллаган ҳолда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, ишлаб чиқарилаётган қурилиш ашёлари рақобатбардошлиги билан импорт ўрнини босмоқда.**

Шунинг баробарида тадбиркорларимиз томонидан тайёрланаётган бундай маҳсулотлар мамлакатимизда бунёд этилаётган бино ва иншоотлар мустаҳкамлигини, кўркини таъминламоқда, қурилиш тезкорлиги ва сифатини оширмоқда.

«RASATA» масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилганига эндигина бир йил тўлди. Бу ерда Германия технологияси асосида маҳаллий хом ашёни самарали қўллаб тайёрланаётган қурилиш материаллари жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши баробарида нархи оммабоплиги билан ҳам харидорини топаяпти.

— Ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга ҳисса қўшиш ниятида цехларимизни Туркия ускуналари билан жиҳозладик, — дейди корхона директори Акмал Зиёев. — Ҳозирда «ZIX» савдо белгиси билан 5 турдаги қурилиш ҳамда пардозлаш ашёлари тайёрлаяпмиз. Айни пайтда 15 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган жамоамизнинг маҳсулотларига талаб ортиб бораётганлиги бизни янги лойиҳалар устида иш олиб боришга, рақобатбардош турларини кўпайтиришга ундамоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида мақсадларимизни амалга ошириб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтирамиз, ёшлар учун 20 га яқин қўшимча иш ўринлари яратамиз.

Корхонада маҳсулот сифатини доимий назорат қилувчи махсус лаборатория фаолият кўрсатиб, малакали мутахассислар бу борада талабчанлик билан меҳнат қилишади. Шу боис бўлса керак, ишлаб чиқарилаётган ва талабларга мос маҳсулотларга кўплаб қурилиш ташкилотлари ҳамда фирмаларидан буюртмалар тушмоқда.

# БУНЁДКОРГА МАДАДКОР

**Тошкент тажриба-экспериментал механика заводида илғор технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётган ва созланаётган техника воситалари қурилиш майдонларида бунёдкорларга мададкор бўлмоқда.**

Қурувчилар оғирини енгил, мушкулини осон қиладиган мазкур минорали ва автомобиль кранлари сифати ҳамда мустаҳкамлигига қаратилган эътибор боис ҳам кўп йил хизмат кўрсата олади. Корхонада автокранларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, 3,2 тоннадан 7 тоннагача юк кўтариш қувватига эга бўлган манипуляторлар, 14, 16, 25 тонналик ана шундай қувватга эга оғир кранлар шулар жумласига киради.

Жамоада самарали меҳнат қилаётган 100 нафар тажрибали ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракати билан бир ойда 5-6 хил автокранлар тайёрланиб, тушган буюртмалар вақтида уддаланяпти. Шунингдек, қурилиш майдонларидаги рельсларда ҳаркатлана оладиган 8 тонна юкни кўтариш мўлжалланган КБ-403А минорали крани ҳам буюртмага кўра тайёрланмоқда.

Бозор иқтисодиёти талабларини тўла англаган тадбиркорлар корхонада модернизация ҳамда техник жиҳозлаш ишларини ҳам режа билан босқичма босқич олиб боришаётгани маҳсулот турлари кўпайиб, сифати юқори бўлишида муҳим ўрин тутмоқда. Ишлаб чиқарилаётган стандарт ва ностандарт металл конструкциялар, цистерна, антенна мачталари янги маҳсулот турларидан саналади. Келгусида эса бунёдкорликда қўл келадиган техникаларнинг замонавий турларини янада кўпайтириш, талаб ва таклифлар асосида янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш кўзд тутилмоқда.

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

**Сифатли маҳсулот тайёрлаш, уни харидорларга вақтида етказиб бериш, маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиб, ички ҳамда ташқи бозорни ўрганиш ишлаб чиқариш ҳажми ортишида муҳим аҳамият касб этади.**

«Тошкент подшипниклар заводи» масъулият чекланган жамиятида ҳам бу борадаги изланишлар яхши самара бермоқда. Натижада ишлаб чиқарилаётган товарлар импорт ўрнини босмоқда, буюртмачи талабини қондиряпти.

Ўтган йилларда банкнинг молиявий кўмаги асосида ва ўз маблағларини ишга солган ҳолда цехларга Россия ҳамда Хитой фирмаларининг янги дастгоҳлари ўрнатилганлиги автомобилларга бутловчи қисмлар тайёрлаш имконини яратди. Ана шу дастгоҳ ва ускуналар қуввати ишга солиниб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган «NEXIA» енгил автомобилларининг рул каркаслари тайёрланмоқда. Шунингдек, корхона қошида эстониялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда иш бошлаган «Тики-трейлер» қўшма корхонасида эса енгил автомобиллар учун йилига 500 та тиркама ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, мазкур техника воситасига ҳозирда талаб катта.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркор жамоа аҳли асосий фаолиятлари сирасига кирадиган муддати ўтган подшипникларни таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларининг бутловчи қисмларини тайёрлаш ишларини ҳам муваффақиятли амалга оширмоқда. Ўтган йилда импорт ўрнини босувчи бутловчи қисмларнинг 20 га яқин турларини тайёрлашга муваффақ бўлинди.

**Шарофат БАХРОМОВА**

